




Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Бизнес кайфияти шарҳи

2023 йил III чорак



Тошкент 2023 йил



Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил индикаторлар орқали ўзида ифода этади.



Ушбу шарҳ 2023 йилнинг III чорагида мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятини ўрганиш мақсадида 2023 йилнинг октябрь ойида Марказий банк томонидан ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи икки мингга яқин тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда, тадбиркорлик фаолиятининг йўналишларини кенгроқ қамраб олиш орқали репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юк ташишдаги кўрсаткичлар, соҳалардаги ишчи кучига бўлган талаб, бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмаларни аниқлаш бўйича саволлардан иборат.

Ҳар бир саволга бир неча жавоб вариантлари бириктирилган бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан биттаси ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гуруҳлар бўйича вазнли коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртача кўрсаткичлар билан таққосланган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариши тенденцияларини сифат жиҳатдан ўрганиш имконини беради.

Умумий хулосалар

Тадбиркорлик муҳити

2023 йилнинг III чорагида сўровда иштирок этган респондентлар жавобларига кўра республикада тадбиркорлик шароитлари ва муҳити яхшиланди. Бунда, Самарқанд, Навоий, Хоразм, Тошкент вилоятлари вакилларининг бизнес кайфиятлари ижобий шаклланаётгани кузатилди.

Сўров иштирокчилари бизнес шароитлари яхшиланишига асосий омиллар сифатида ҳудудларда маъмурий аралашувларнинг камайгани ҳамда йўллар инфратузилмаси яхшиланиши таъкидланган бўлса, энергия ресурсларининг чекланганлиги, солиқ маъмурчилигининг мураккаблиги ҳамда маҳаллий бозорнинг монополлашув даражаси ортиб бораётгани салбий ҳолатлар сифатида қайд этилган.

Иқтисодий фаоллик

III чорақда иқтисодий фаоллик жонланиши фонида тадбиркорларнинг юк ташиш ҳажмлари кўпайган бўлсада, ёқилғи ва энергия истеъмоли деярли ўзгаришсиз қолганилигини маълум қилганлар кўпчиликини такшил этди. Республика бўйича сўровда қатнашган бизнес вакилларининг маълум бир қисми тўлиқ ишлаб чиқариш қувватларида фаолият олиб бормаганлигини билдирди.

Тадбиркорлар томонидан тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари сифатида энергия таъминотидаги узилишлар, айрим соҳаларда талабнинг суст шаклланиши ҳамда молиявий қийинчиликлар кузатилганлиги қайд этилди.

Бандлик

Жорий йилнинг III чорагида ишбилармонларнинг аксарият қисмида ишчи кучига бўлган талаб ўтган чорақка нисбатан ортди. Бунда ишлаб чиқариш, савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат ва ташиш ҳамда туризм соҳаларида ишчи кучига талаб ортганлигини кўриш мумкин.

Пул-кредит

Ўрганилаётган даврда тадбиркорларнинг қарз юктамалари (кредит ва фоиз тўловлар) ўтган чорақка нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган бўлиб, келгуси ойларда кредит ва қарз тўловлари биров ошиши бўйича кутилмалари мавжуд.

Истиқболлар

Тадбиркорларнинг келгуси уч ойда буюртмалари кўпайиши фонида ишлаб чиқариш ва юкларни ташиш ҳажмлари ҳамда ишчи кучига бўлган талаби ортиши бўйича кутилмалари шаклланиган. Шунингдек, яқин 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда бизнес истиқболларини ижобий баҳолаган иштирокчилар аксарият қисми ташкил этган.



Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

III чорақда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида сўровда иштирок этган аксарият бизнес вакиллари тадбиркорлик билан шуғилланиш шароитлари яхшиланганини маълум қилди.

Сўровномада иштирок этган тадбиркорларнинг кўпчилиги рақобат муҳити, банк хизматлари сифати ҳамда йўллар инфратузулмаси яхшилангани, кредит ва лицензиялар олиш жараёни соддалашгани ҳамда маъмурий аралашувлар қисқарганини таъкидлади.

Шу билан бирга, газ ва электр таъминоти, божхона тариф ва чекловлари туфайли қийинчиликлар ҳамда баъзи соҳаларда монопол корхоналар кўламининг ортиб бориши тадбиркорлик фаолият юритишга салбий таъсир кўрсатди деб баҳолаган.

2023 йилнинг учинчи чорагида ҳудудда ёқилғи ва энергия истеъмоли бироз ошди. Ёқилғи ва энергия истеъмоли ўсишининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришга тўғри келган.

Юкларни ташиш ҳажми деярли ўзгаришсиз қолди. Чорақ давомида ишлаб чиқаришда қўшимча ишчи кучига талаб ортди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми юқори ўсиши кўрсаткичлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида қайд этилди.

Тадбиркорларнинг 73 фоизи тўлиқ қувватда ишламади. Бунга асосан газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда автомобиль ёнилғи нархи қимматлашгани тўсқинлик қилган.

Келгуси чорақ бўйича кутилмалар

Тадбиркорларнинг 53 фоизи (асосан қишлоқ хўжалиги ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари) ёқилғи ва энергия истеъмоли ошишини кутмоқда. Тошкент вилояти тадбиркорлари ўз соҳаларида юк ташиш ҳажмлари ортишини тахмин қилишмоқда.

2023 йил II чорақда аксарият тадбиркорлар қўшимча ишчи кучига талаб ўсишини кутилмаган бўлсада, III чорақда таълим, молия ва қурилиш соҳа вакиллари юқори талаб шаклланиши мумкинлигини билдиришди.


Аксарият бизнес вакиллари ишлаб чиқариш ҳажмлари ошишини режалаштирилмоқда. Улар орасида қурилиш, тиббиёт ҳамда молия соҳа вакиллари юқори оптимизмга эга. Ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича кутилмалар жорий йил бошидан буён ортиб келмоқда.

Ушбу ҳудуднинг 63 фоиз тадбиркорлари келгусида буюртмалар ҳажми ошишини кутмоқда. Бироқ, туризм соҳаси буюртмалар ҳажми пасайишини кутишаётганлигини маълум қилди.


Тошкент вилоятида қўшимча кредитга эҳтиёж ортиши кутилаётган бўлса, пойтахтда тадбиркорларнинг кредитга бўлган эҳтиёжи ўзгармаслигини таъкидлашган.

Тадбиркорларнинг 68 фоизи (II чорақда 62 фоиз) келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо беришди. Ушбу ижобий кутилмалар асосан савдо, қурилиш ҳамда умумий овқатланиш соҳалари вакиллари томонидан билдирилган.

1-расм. Соҳалар кесмида фаолият юритиш даражаси (фоизда)



2-расм. Ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича кутилмалар (респондентлар улуши, фоизда)





Бухоро, Навоий, Самарқанд

Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида бизнес юритиш шароитлари яхшиланганлиги аксарият респондентлар томонидан қайд этилди.

Ҳудудда газ ва электр таъминоти, йўллар инфратузилмаси ва банк хизматлари сифати бироз яхшиланганини, лицензия ва гувоҳномаларни олиш осонлашганини белгилаган вакиллар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз ортган.

Шунингдек, маъмурий аралашувлар, солиқ маъмурчилиги, ички бозорда монопол корхоналарнинг кўлами ҳамда божхона тарифлари ва чекловлари бўйича ўзгаришлар кузатилмаган.

Чорак давомида ҳудудда ёқилғи ва энергия истеъмоли ўртача ҳисобда ўзгармаган бўлсада, қишлоқ хўжалиги ҳамда маиший хизматлар соҳаларида истеъмол ҳажми ўсиши қайд этилган.

Юк ташиш ҳажми қишлоқ хўжалигида ортган, бошқа соҳаларда эса деярли ўзгаришсиз қолди.

Чорак давомида қўшимча ишчи кучига талаб ҳамда корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ортган. Ҳудудда қишлоқ хўжалиги ҳамда ҳунармандчилик соҳаларида талаб қолган соҳаларга нисбатан юқорироқ шаклланган.

Аксарият соҳаларда кредит ва қарз тўловлари ҳажми ўзгармаган бўлса, қишлоқ хўжалиги ҳамда туризм соҳаларида кредит тўловлари ҳажми ортганлиги кузатилди.

Жами тадбиркорлардан фақатгина 30 фоизи сўнги чоракда тўлиқ қувватда ишлаган. Бунда асосан тиббиёт, ҳунармандчилик ҳамда маиший хизматлар соҳа вакиллари юқори қувватларда фаолият юритишган.

Ишлаб чиқариш ҳамда савдо соҳа вакиллари тўлиқ ишлаш қувватларидан пастроқ даражада ишлагани маълум қилинди. Бунга, талабнинг етарли эмаслиги асосий сабаблардан бўлгани қайд этилган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳа вакиллари ёқилғи ва энергия маҳсулотлари истеъмоли ошишини кутмоқдалар.


Ишлаб чиқариш ҳажмлари ортишини кутаётган тадбиркорлар кўпчиликини ташкил этмоқда.

Транспорт соҳасидан ташқари соҳаларда буюртмалар ҳажми кўпайиши бўйича кутилмалар мавжуд.


Қўшимча кредит олишга бўлган эҳтиёж Бухоро ҳамда Самарқандда ортиши, Навоийда эса ўзгармаслиги кутилмоқда.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 70 фоизи келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболларини ижобий баҳолашмоқда. Ижобий кутилмалар туризм, ишлаб чиқариш, ҳамда молия соҳалари вакиллари томонидан таъкидланган.

3-расм. Қўшимча ишчи кучига талаби ортган соҳалар (респондентлар улуши, фоизда)



4-расм. Рақобат муҳити ўзгариши (жами респондентларнинг улуши, фоизда)





Андижон, Наманган, Фарғона

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида сўнги чорак давомида бизнес юритиш шароитлари яхшиланганлигини таъкидлаган тадбиркорлар кўпчилигини ташкил этди.

Тадбиркорлари томонидан лицензия ва гувоҳномаларни олиш осонлашгани, кредит олиш имкониятлари ортгани ва банк хизматлари сифати яхшилангани ҳудуднинг бизнес шароитларига ижобий таъсир кўрсатган.

Рақобат муҳити, газ ва электр таъминоти, йўллар инфратузулмаси ва маъмурий аралашувлар борасида ҳудуднинг бизнес вакиллари ўзгаришлар кузатишмади.

Ҳудудда ёқилғи ва энергия истеъмоли ўртача ҳисобда ўзгармаган. Истеъмол ўсиши тиббиёт ва ташиш хизматларига тўғри келган.

Маиший хизматлар ва қурилиш соҳаларидан ташқари бошқа соҳаларда юкларни ташиш ҳажми деярли ўзгаришсиз қолди.

Қурилиш, таълим ва ташиш хизматларида қўшимча ишчи кучига талаб ортгани қайд этилди.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ўртача ҳисобда ортган. Ҳудуд бўйича ўртача даражадан юқорида ишлаб чиқаришнинг ўсиши кафе-ресторан ва хунармандчиликда қайд этилди.

Респондентларнинг 32 фоизи сўнги чоракда юқори қувватда ишлаган. Юқори қувватларда асосан таълим, умумий овқатланиш ҳамда ташиш хизматлари вакиллари фаолият юритган.

III чоракда тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар, автомобил ёнилғи нархи қимматлашгани ҳамда келгуси иқтисодий ноаниқликларни белгилаганлар улуши II чоракка нисбатан ортган бўлса, айланма маблағларнинг камайгани, маҳсулотга талабнинг етарли эмаслиги ҳамда солиқ тизимидаги қийинчиликларни қайд этганлар бироз камайган (6-расм).

Ўртача ҳисобда кредитлар бўйича тўловлар ўтган чоракка нисбатан ўзгармаган. Хунармандчилик соҳа вакилларида эса кредит тўловлари ҳажми ортганлигини маълум қилишган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Келгуси чоракда тадбиркорлар ёқилғи ва энергия истеъмоллари ошишини кутмоқда. Энергия истеъмоли юқори ўсишини коммунал хизматлар, умумий овқатланиш ва маиший хизматлар соҳа вакиллари маълум қилишган.


Келгуси чоракда респондентлар юк ташиш ҳажмлари ортишини бўйича ижобий кутилмалар шаклланган.

Ҳудудда қурилиш, умумий овқатланиш ва коммунал хизматлар соҳа вакиллари қўшимча ишчи кучига бўлган талаблари юқори ўсишини кутмоқдалар.


Қўшимча кредит қўйилмаларига бўлган эҳтиёж деярли ўзгаришсиз қолиши маълум қилган.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 61 фоизи (II чоракда 72 фоиз) келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмалар шаклланган.

5-расм. Соҳалар бўйича ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)



6-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари (жами респондентларнинг улуши, фоизда)





Қашқадарё, Сурхондарё

2023 йил III чораги давомида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг кўпчилик тадбиркорлари бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини маълум қилганлар.

Худудда рақобат муҳити, банк хизматлари сифати яхшиланаётгани фаолият юритишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чорак давомида божхона тариф ва чекловлари, солиқ маъмурчилиги, газ ва электр таъминоти бўйича ўзгаришлар бўлмаганлиги таъкидланди. Маъмурий аралашувлар ва монополлашув даражаси эса ёмонлашгани салбий омиллар сифатида қаралмоқда.

Шунингдек, ёқилғи ва энергия истеъмоли худуднинг аксарият соҳаларида ўзгармаган, бироқ, қурилиш ва фан-таълим соҳаларида ортган. Юқларни ташиш ҳажмларида ўзгариш кузатилмаган.

Қўшимча ишчи кучига талаб Қашқадарёда ортган (ишлаб чиқариш ҳамда фан-таълим соҳаларида талаб юқори шаклланган). Сурхондарёда ўртача ҳисобда талаб ўзгармаган. Ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмлари ортган.

Алоқа, ахборот ҳамда хунармандчилик соҳалари тўлиқ қувватга яқин даражада (81% ва юқори) фаолият юритган.

Тўлиқ фаолият юритмаган аксарият тадбиркорлар газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда айланма маблағлар камлигини қайд этишган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар
Худуддаги тадбиркорлар ёқилғи ва энергия истеъмоли ошишини кутмоқдалар. Бунда, энергия истеъмоли юқори ўсиши бўйича кутилмалар асосан умумий овқатланиш, коммунал хизматлар ва қурилиш соҳа вакиллари томонидан маълум қилинган.

Сурхондарёда қўшимча ишчи кучига талаб ўзгармаслиги кутилмоқда. Қашқадарёда қўшимча ишчи кучига талаб аксарият соҳаларда ортиши кутилмоқда.


Келгуси 3 ойда аксарият тадбиркорлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ортишини кутишмоқда. Бироқ, маиший хизматлар ва умумий овқатланиш соҳалари вакиллари ишлаб чиқариш ҳажмларини ўзгармаслигини билдирганлар.

Кейинги чоракларда буюртмалари ортишини маълум қилганлар улуши ўтган икки чоракда мос равишда 65 ва 55 фоизни ташкил этмоқда.


Қашқадарёда ишлаб чиқариш, Сурхондарёда эса хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида буюртмалар ҳажми ортганлиги маълум қилинди. Қўшимча кредит маблағларига бўлган эҳтиёж аксарият худудда бироз кўпайши кутилмоқда.

Худуд тадбиркорларининг 69 фоизи келгуси 3 йилда мамлакатнинг иқтисодий ва бизнес истиқболларида ижобий ўзгаришлар кутишмоқда.

7-расм. Бизнес юритиш шароитларининг ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)



8-расм. Ёқилғи ва энергия истеъмоли бўйича кутилмалар (респондентлар улуши, фоизда)





Жиззах, Сирдарё

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида аксарият респондентлар бизнес юритиш шароитлари яхшиланганлигини қайд этишди.

Жиззахда ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш соҳалари, Сирдарёда эса умумий овқатланиш ва тиббиёт соҳа вакиллари бизнес шароитлардаги ижобий ўзгаришлар бўлганлигини таъкидлашди.

Шу ўринда, ҳудудда лицензия ва гувоҳномаларни олиш жараёни, йўллар инфратузилмаси ва кредит олиш имкониятлари яхшиланиб бораётгани ижобий ўзгаришлар сифатида қайд этилди.

Рақобат муҳити, газ ва электр таъминоти, солиқ маъмурчилиги ва монополлашув даражаси масалаларида ўзгаришлар сезилмагани қайд этилди.

Чорак давомида ҳудудда ёқилғи ва энергия истеъмоли деярли ўзгармаган. Истеъмол ўсиши умумий овқатланиш ва таълим хизматларига тўғри келган.

Қўшимча ишчи кучига талаб ўзгаришсиз қолди. Қурилиш ва туризмда қўшимча ишчи кучига талаб ортган.

Ушбу даврда корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ўтган чоракка нисбатан ортган. Ҳудудда қурилиш ҳамда умумий овқатланиш соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишини қайд этганлар кўпчиликини ташкил этди.

Сирдарёда буюртмалар ҳажми ошган бўлса, Жиззахда деярли ўзгариш кузатилмади. Ишлаб чиқариш соҳасидан ташқари барча соҳаларда кредит ва қарз тўловлари ҳажми ўзгармаган. Тадбиркорлардан 20 фоизи сўнгги чоракда юқори қувватда ишлаган.

Юқори қувватларда асосан етказиб бериш, маиший хизматлар ҳамда умумий овқатланиш соҳа вакиллари фаолият юритишган.

Соҳа вакиллари томонидан тўлиқ қувватларда ишламаслик сабаблари сифатида айланма маблағларнинг етишмовчилиги, ижара ҳақининг юқорилиги ҳамда солиқ тизимидаги қийинчиликлар келтирилган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Келгуси IV чоракда энергия истеъмоли юқори ўсишини умумий овқатланиш, коммунал хизматлар ва қурилиш соҳа вакиллари кутишмоқда.


Сирдарё вилояти тадбиркорларининг 54 фоизи қўшимча ишчи кучига талабнинг ошишини кутмоқда. Умумий овқатланиш ҳамда фан-таълим соҳаларида қўшимча ишчи кучига юқори талаб шаклланиши кутилмоқда.

Келгули чоракда фан-таълим ҳамда умумий овқатланиш соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори ошиши таъкидланди.


Қўшимча кредитга эҳтиёж Сирдарёда ортиши, Жиззахда эса ўзгармаслиги маълум қилинди.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 54 фоизи (II чоракда 65 фоиз) келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо беришди. Ушбу кутилмалар умумий овқатланиш, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳалари вакиллари томонидан қайд этилди.

9-расм. Бизнес юритиш шароитларининг ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)



10-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари (жами респондентларнинг улуши, фоизда)





Қорақалпоғистон, Хоразм

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида тадбиркорлик билан шуғилланиш шароитлари яхшиланганлиги (56 фоиз) кузатилди.

Мазкур ҳудудда банк хизматлари сифати, рақобат муҳити, газ ва электр таъминоти ва йўллар инфратузулмаси яхшилангани тадбиркорлар томонидан қайд этилди.

Божхона тарифлари ва чекловлар, монополлашув даражаси, маъмурий аралашувлар ва солиқ маъмурчилиги борасида ўзгаришлар кузатилмади.

2023 йилнинг учинчи чорагида ёқилғи ва энергия истеъмоли бироз ошди. Ёқилғи ва энергия истеъмоли ўсишининг асосий қисми саноат ва транспорт хизматларига тўғри келди.

Ҳудудда юк ташиш ҳажми деярли ўзгаришсиз қолди. Бироз ўсиш фақат қурилиш ва қишлоқ хўжалигида кузатилди.

Чорак давомида қўшимча ишчи кучига талаб ўзгаришсиз қолди. Умумий овқатланиш ва қурилишда қўшимча ишчи кучига талаб ортган.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўзгармади. Ишлаб чиқаришнинг ҳудуд бўйича ўртача даражадан юқорироқ кўрсаткичлари умумий овқатланиш ва ҳунармандчиликда қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларида кредит ва қарз тўловлари ортган. Чорак давомида аксарият соҳаларда кредит тўловлари ўзгармаган.

Тадбиркорларни 33 фоизи сўнгги чорақда юқори қувватда ишлаган, (улар қаторида таълим ва етказиб бериш соҳа вакиллари).

Шу ўринда, айланма маблағларнинг етишмаслиги, газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда ижара ҳақининг юқорилиги айрим соҳаларнинг тўлиқ қувватда ишламаслигига сабаб бўлган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Тадбиркорлар ёқилғи ва энергия истеъмоллари ошишини кутмоқда. Энергия истеъмоли юқори ўсишини коммунал хизматлар, таълим ва тиббиёт соҳа вакиллари кутишмоқда.

Аксарият респондентлар ўз соҳаларида юк ташиш ҳажмлари ортишини тахмин қилишмоқда.

Коммунал хизматлар ва умумий овқатланиш соҳаларида қўшимча ишчи кучига талаби ортиши мумкин.


Таълим, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа айрим соҳалардаги вакиллар ишлаб чиқариш ҳажмларни оширишларини режалаштирмоқда.

Ушбу ҳудуднинг аксарият тадбиркорлари буюртмалар ҳажми ошишини кутмоқда.

Учинчи чорақда Қорақалпоғистонда қўшимча кредитга эҳтиёж ортиши кутилаётган бўлса, Хоразмда ўтган икки чорақда ҳам аксарият соҳа вакиллари кредитга бўлган эҳтиёжи ўзгармаслигини таъкидлаб келмоқда.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 65 фоизи келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо беришди.

11-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари (жами респондентларнинг улуши, фоизда)



12-расм. Кредитга эҳтиёж бўйича кутилмалар (респондентлар улуши, фоизда)

